# Мавзу: ТАБИАТНИ МУХОФАЗАЛАШДАГИ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

Мавзу режаси:

1. Табиатни мухофаза килишдаги муаммолар.
2. Табиатни мухофаза килишдаги имкониятлар.

**«Экологик хавфсизлик муаммоси аллакачонлар миллий ва минтакавий доирадан чикиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон узаро муайян конуниятлар асосида муносабатда булади. Бу конуниятларнинг бузилиши унглаб булмас экологик фалокатларга олиб келади»**

***Ислом Каримов***



**Тирик организм ва яшаш мухити уртасидаги богликлик**



Табиий ресурслар
тугайдиган ресурслар
тугамайдиган ресурслар
тикланадиган ресурслар
Усимлик ва хайвонот турлари, дарахтлар, тупрок
тикланмайдиган ресурслар
Ер ости бойликлари: маъданли ва маъдансиз казилмалар
Сув, иклим ва космик ресурслар
Куёш, шамол, сув ва тулкинлар энергияси
Сифат
Атмосфера хавоси ва сув
Микдор

Инсонни ҳеч қачон табиатдан ва уни ураб турувчи атроф-муҳитдан ажратиб бўлмайди



- Фалсафада табиат деб объектив борлиқ, яъни бизни ўраб турувчи олам ва унинг хилма-хил шакллари тушунилади.

- Амалиётда ёки табиий фанларда уни кишиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлган атроф табиий муҳит деб қаралади.

- Республикамиз Конституциясининг 55-моддасига биноан, «Ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик ва хайвонот дунёси хамда бошка табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оки-лона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир», деб таъкидланган. Конституциянинг 50-моддасида «Фукаролар атроф табиий мухитга эхтиёткорона муносабатда булишга мажбурдирлар», дейилган.

## Узбекистон Республикасида Экология, табиатни мухофаза килиш тугрисида бир катор кабул килинган конунлар:

1. «Ер тугрисида»ги конун (28 июнь 1990й.),
2. «Табиатни мухофаза килиш» конун (9 декабрь 1992й.),
3. «Сув ва сувдан фойдаланиш» конуни (6 май 1993й.), «
4. Алохида мухофаза килинадиган худудлар тугрисида» конун (7 май 1993й.),
5. «Казилма бойликлар тугрисида» (22 сентябрь 1994й.)
6. «Атмосфера хавосини мухофаза килиш» конуни (23 сентябрь 1996й.),
7. «Хайвонот оламини мухофаза килиш ва фойдаланиш» конуни (26 1997й.),
8. «Усимлик оламини мухофаза килиш ва фойдаланиш» конуни (26 декабрь 1997й.),
9. «Экологик экспертиза» тугрисидаги конун (7 июнь 2000й.)

Табиатни мухофаза килиш конунининг 4-моддасига (1992 йил 9 декабрда Узбекистон Олий Мажлиси томонидан кабул килинган «Табиатни мухофаза килиш» тугрисидаги конун) кандай мутахассис тайёрланишидан катъий назар барча урта ва олий укув юртларда фукароларнинг хаёти учун кулай табиий мухитга эга булиш хукукини таъминлаш учун экологик укувнинг мажбурийлиги белгилаб куйилган. Бу борада хар бир мутахассислик буйича укитиладиган махсус курслар, республикамизнинг табиий ресурсларидан унумли фойдаланиш жараёнида уни мухофаза килиш учун окилона тадбирлар куришга ургатиш ва атроф мухитни мухофаза килишнинг технологик жараёнини эътиборга олишлари зарур.

Келажакда атроф-мухитни мухофаза килиш муаммосини энг аввало туташ технологик циклли чикитсиз (яъни чикиндиларни экологизациялаш) ишлаб чикаришларни яратиш йули билан хал килинади. Бунинг учун айрим холларда бутун технологик жараённи ёки унинг боскичларини тубдан узгартириш, газлардан зарарли моддаларни ажратиб олиш ва утиллатириш усулларини ишлаб чикиш, сув кайтариш системаларини куллаш лозим. Чикитсиз ишлаб чикаришнинг келажаги - бу худудий-саноат компле-кслари булиб, уларда бир корхонанинг чикиндиси иккинчиси учун хом ашё булиб хизмат килади. Баъзи сохалар учун экологиза-циялашнинг муайян моделлари ишлаб чикилган. Хозирча пахта саноати ва пиллачиликни экологизациялаш буйича ишланмалар йук, лекин уларда чикитсиз ишлаб чикаришнинг айрим элементлари кулланилмокда.